

## Кузги Буғдойнинг Экиш Муддати Ва Кўчат Қалинлигининг Дон Ҳосилдорлигига Таъсири

Сиддиқов Равшанбек Иномжонович<sup>1</sup>, Адашев Илхомжон Қобулович<sup>2</sup>

**Аннотация:** мақолада кузги буғдой навларини экиш муддатларини ва кўчат қалинлигини дон ҳосилдорлигига таъсири тўғрисида маълумотлар берилган. Кузги буғдойнинг Давр, Звезда, Первица ҳамда Зимница навлари учун энг мақбул экиш муддати ва меъёрлари аниқланганлиги баён этилган.

**Калит сўзлар:** Кузги буғдой, нав, тупрок, экиш муддати, меъёри, центнер, ҳосилдорлик.

Буғдой (*Triticum aestivum*) дунё аҳолисининг ярмидан кўпи учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Бугунги кунда “Буғдой дунё бўйича 220 миллион гектардан зиёд майдонга экилиб, 772 миллион тоннадан зиёд ҳосил олиниб келинмоқда. Дунёда буғдой экспорт қиладиган 6 етакчи давлат бўлиб, Булар, Россия, Канада, АҚШ, Австралия, Украина, Европа Иттифоқи ҳисобланади. Россия буғдой экспорти бўйича дунёда 1 ўринда туради.”<sup>3</sup> Ушбу давлатларда бугунги кунда юқори ва сифатли дон ҳосили олишда мақбул муддат ва меъёрларига тўла амал қилиниши натижасида юқори дон ҳосили олишга эришилмоқда. Шунинг учун республикамизда ҳар бир экилаётган истиқболли, янги навларни энг мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш энг далзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда 2015-2017 йилларда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот Институтининг тажриба даласида кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий Звезда, Давр ва хорижий Первица Зимница навларини уч та экиш муддати 15.09,1.10,15.10, ҳамда уч хил кўчат қалинликларида 4-5-6 млн дон унувчан уруғ экиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажриба тизими 36 та вариантдан иборат бўлиб, 3 тақоррланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 60 см, узунлиги 50 м. ҳар бир бўлакча майдони 240 м<sup>2</sup>, шундан ҳисобга олинган майдон 120 м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, тажрибаларнинг умумий майдони 2,6 гектар. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғалла : дуккакли экинлар) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида учта далада олиб борилди. Тажрибада кузги буғдойнинг Давлат ресстрига киритилган “Давр”, “Звезда”, “Первица” ва “Зимница” навларида тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Тажрибада кузги буғдойнинг “Давр”, “Звезда”, “Первица” ва “Зимница” навларини уч (15-сентябр, 1-октябрь, 15-октябрь) муддатда уч хил экиш (4,0 млн/га, 5,0 млн/га, 6,0 млн/га) меъёрларда экиб ўрганилди.

1-жадвал. Тажриба тизими

Вар.	Кузги буғдой навлари				Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёри, млн дон/га
1	Давр	Звезда	Первица	Зимница	15-сентябр	4,0
2						5,0
3						6,0
4					1-октябрь	4,0
5						5,0
6						6,0
7					15-октябрь	4,0
8						5,0
9						6,0

Кузги буғдойнинг маҳаллий навларидан Звезда, Давр, хорижий навлардан Первица Зимница навларини уч хил муддат ва уч хил кўчат қалинликларида тажрибалар олиб борилиб, навларни ҳар тамонлама ўрганилиб, ҳосилдорлиги бўйича қуйидаги жадвалда маълумотлар келтирилди.

Тажрибадан олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, кузги буғдойнинг “Давр” нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дон унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантда дон ҳосилдорлиги 60,4 ц/га, сомон ҳосили эса 64,4 ц/га ни ташкил этган бўлса, ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дон унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларда дон ҳосили 61,4-60,1 ц/га ни, сомон ҳосили 67,0-62,5 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

<sup>1</sup> Қ.х.ф.д., профессор, РФА академиги, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти

<sup>2</sup> Таянч докторант, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти

<sup>3</sup> /Силкани қўйиш керак.

Кузги бугдой навлари 1-октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларда кузги бугдойнинг дон 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан 4-вариантда дон ҳосилдорлиги 0,4 ц/га, сомон ҳосилдорлиги 1,8 ц/га, 15-сентябр муддатида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 3-вариантга нисбатан эса 6-вариантда дон ҳосилдорлиги 0,4 ц/га, сомон ҳосилдорлиги 1,4 ц/га гача камайиб борганлиги кузатилган бўлса, 15-сентябр муддатида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-вариантга нисбатан 5-вариантда дон ҳосилдорлиги 1,9 ц/га, сомон ҳосилдорлиги 0,1 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди. Кузги бугдой уруғлари 15-октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 7-8-9 вариантларда, 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-2-3 вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги мос равишда 0,8-1,9-2,1 ц/га, сомон ҳосилдорлиги эса 2,0-5,7-5,7 ц/га гача камайиб борганлиги аниқланди.

Тажрибада кузги бугдойнинг “Звезда” нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-11-12 вариантларда дон ҳосилдорлиги ўртача 55,3-55,8-53,6 ц/га, сомон ҳосили эса мос равишда 59,0-60,8-55,7 ц/га ни ташкил этиб, кузги бугдой навлари 1-октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 13-14-15 вариантларда, 15-сентябрда гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-11-12 вариантга нисбатан дон ҳосилдорлиги 2,5-5,2-4,8 ц/га, сомон ҳосилдорлиги эса тегишли равишда 0,1-3,9-5,3 ц/га юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, уруғлари 15-октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 16-17-18 вариантлар, 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-11-12 вариантларга нисбатан мос равишда 1,6-2,0-3,7 ц/га гача кўшимча дон ҳосили олишга эришилган бўлсада, сомон ҳосилдорлиги 16-17 вариантларда 1,8-0,3 ц/га гача камайиб борганлиги ҳамда 18-вариантда эса 3,3 ц/га ошиб борганлиги аниқланди.

Кузги бугдойнинг “Первица” нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 19-20-21 вариантларда дон ҳосилдорлиги 58,6-62,9-62,7 ц/га, сомон ҳосилдорлиги 60,9-68,6-66,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, кузги бугдой навлари 1-октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 22-23-24 вариантлардан олинган дон ҳосилдорлиги, 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 19-20-21 вариантларга нисбатан 22-вариантда дон ҳосилдорлиги 3,7 ц/га, сомон ҳосилдорлиги эса 4,1 ц/га юқори, 23-вариантда дон ҳосилдорлигида ўзгариш кузатилмагани ҳолда сомон ҳосилдорлиги 2,0 ц/га кам, 24-вариантда эса дон ҳосилдорлиги 2,8 ц/га, сомон ҳосилдорлиги мос равишда 5,5 ц/га кам бўлганлиги кузатилди.

Тажрибада ўрганилган кузги бугдой навлари 15-октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 25-26-27 вариантлардан олинган дон ва сомон ҳосилдорлиги ўрганиб чиқилганида эса 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 19-20-21 вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги 2,6-3,0-3,5 ц/га, сомон ҳосилдорлиги эса тегишли равишда 4,6-6,0-5,9 ц/га гача камайиб борганлиги аниқланди.

Кузги бугдойнинг “Зимница” нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 28-29-30 вариантлардан йиғиштириб олинган дон ҳосилдорлиги уч йилда ўртача 59,8-63,4-59,6 ц/га, сомон ҳосилдорлиги эса 63,8-69,2-62,0 ц/га ни ташкил этган бўлса, уруғлар 1-октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 31-32-33 вариантларда 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 28-29-30 вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлик 2,0-3,7-0,5 ц/га, сомон ҳосили 4,7-5,9-0,4 ц/га, уруғлар 15- октябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 34-35-36 вариантларда эса 15-сентябр муддатида гектарига 4,0-5,0-6,0 дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 28-29-30 вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлик 3,9-5,6-2,6 ц/га, сомон ҳосилдорлиги

**2-жадвал. Кузги бугдой навларининг дон ва сомон ҳосилдорлиги**

№	Кузги бугдой навлари	Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёри, млн дона/га	Дон ҳосилдорлиги, ц/га			Ўртача дон ҳосилдорлиги, ц/га
				2015 йил	2016 йил	2017 йил	
1	Давр	15-сентябр	4,0	65,0	53,5	62,7	60,4
2			5,0	61,0	58,9	64,4	61,4
3			6,0	61,3	56,1	62,9	60,1
4		1-октябр	4,0	59,6	56,3	64,1	60,0
5			5,0	66,1	58,2	65,5	63,3
6			6,0	61,4	55,5	62,1	59,7
7		15-октябр	4,0	61,8	52,4	64,6	59,6
8			5,0	58,1	54,6	65,8	59,5
9			6,0	57,7	53,3	63,9	58,3
10	Звезда	15-сентябр	4,0	57,1	53,1	55,8	55,3
11			5,0	54,9	54,9	57,5	55,8
12			6,0	53,8	51,5	55,4	53,6
13		1-октябр	4,0	60,0	56,1	57,2	57,8
14			5,0	67,3	57,6	58,1	61,0

15			6,0	64,4	55,1	55,8	58,4
16			4,0	60,0	53,1	57,5	56,9
17		15-октябр	5,0	61,0	53,7	58,6	57,8
18			6,0	62,8	52,5	56,6	57,3
19			4,0	63,0	52,1	60,8	58,6
20		15-сентябр	5,0	72,6	54,5	61,7	62,9
21			6,0	76,6	51,0	60,4	62,7
22			4,0	67,5	56,8	62,7	62,3
23	Первица	1-октябр	5,0	66,1	58,7	63,8	62,9
24			6,0	64,4	55,2	60,1	59,9
25			4,0	51,2	54,9	61,8	56,0
26		15-октябр	5,0	59,1	56,7	63,9	59,9
27			6,0	60,2	55,3	62,1	59,2
28			4,0	60,4	62,3	56,7	59,8
29	Зимница	15-сентябр	5,0	74,2	63,4	52,7	63,4
30			6,0	65,2	61,2	52,4	59,6
31			4,0	54,1	59,6	59,7	57,8
32		1-октябр	5,0	58,3	61,0	59,8	59,7
33			6,0	62,5	58,0	56,7	59,1
34			4,0	53,0	54,8	59,9	55,9
35		15-октябр	5,0	56,7	56,3	60,4	57,8
36			6,0	57,9	55,1	58,1	57,0

тегишли равишда 7,5-8,7-3,3 ц/га гача камайиб борганлиги қайд этилди.

Тажириба вариантларидан олинган натижаларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, ҳар бир навни экиш муддатлари уларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда эса биринчи навбатда экилаётган навнинг вегетация даврининг давомийлигини билиш ва шунга боғлиқ ҳолда экиш муддати ва уруғ сарф меъёрини аниқлаш юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

2015-2017 йилларда олиб борилган тадқиқотларимизда ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз аксини топганлиги кузатилиб, юқоридаги қонуниятлар такрорланганлиги қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир янги навни ўзини агротехникасини ишлаб чиқиш, ҳар бир навни ўз вақтида мақбул кўчат қалинлигини танлаб сифатли уруғлик экиш билан ҳосилдорликни 5-7 ц/га ортиши илмий тадқиқот натижаларида аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Эгамов, И.Адашев, Х.Расулов “Кузги бугдойни экиш муддатларининг дон ҳосилдорлигига таъсири”. Агро илм журнали. Тошкент. 2012 й. №2(22). 26-27 бет.
2. Х.Бозоров, Б.Ҳолиқов. “Кузги бугдой намлик ва илдиз тизими”. Агроилм, 4 (36), Тошкент. 2015 йил. 25 бет.
3. И.Эгамов, И.Адашев, Г.Мамадалиева. М.Атабоева. “Кузги бугдой навларининг ўсиш ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига экиш муддати, меъёрларини таъсири”. Агроилм, 2-3(34-35), Тошкент. 2015 йил. 20 бет.
4. Р.Сиддиқов, С.Саидов “Кузги имкон-ёзги хирмон” Ўзб. к/х. № 9, Тошкент. 2016 йил, 12 бет.
5. Р.И.Сиддиқов, И.Эгамов, А.Мансуров, Н.Юсупов., “Республикада экишга тавсия этилган кузги бугдой навларининг тавсифи ҳамда уларни инновацион технологиялар асосида етиштириш” бўйича тавсиялар Андижон 2018 й